



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИДА ЭНГ ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСР САРОЙЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Malikov Ulug'bek Erkinovich ¹

-Independent researcher Samarkand city (Uzbekistan)

Shodiyeva Maxfuza Vali Qizi ²

302-Design group student Samarkand city (Uzbekistan)

¹⁻² Samarkand State Architectural and Construction Institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6629681>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2022

Accepted: 02nd June 2022

Online: 05th June 2022

KEY WORDS

Маҳобатлилик,
ҳашаматлилик, санъат,
меъморчилик, қурилиш,
саройлар
архитектураси.

Тарихий саройларнинг шаклланиши ва ривожланиш эволюцияси ва архитектурасини тадқиқ қилиш асосида яна шу нарса аниқландики, сарой бинолари ва мажмуаларининг архитектураси инсоният тамаддунида ўзининг етакчи ўринни эгаллаши билан бирга кенг жамоатчиликни ўзига бўйсиндирувчи бошқарув объекти сифатида макон ва замонда санъат, меъморчилик, қурилиш ва халқ амалий санъатига хос юксак чўққиларни ўзида акс эттира олган. Шунинг учун ҳам саройлар архитектураси улар яратилган даврлардаги ҳокимият бойлиги ва халқ маданиятининг кўзгусидир. Айнан шу сабабли саройлар архитектурасида ўзига хос маҳобатлилик, ҳашаматлилик, куч-қудрат, бойлик ва адолатлилик рамзлари шаклланган.

Асосий қисм. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги энг қадимги саройларга Сурхондарё вилоятида археологлар

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги саройларни шаклланиши ва ривожланиш эволюцияси ва архитектураси илмий тадқиқ қилиниб, сарой биноларининг архитектураси натурал ўрганган.

излаб топган Холчаён саройи, Самарқанд шаҳри ёнидаги Афросиёб шаҳарчасидан топилган Кўҳна-арк ва Вархуман саройлари киради. Холчаён-Юнон-Бақтрия ва кушонлар даври мадани-ятига оид ёдгорликлар мажмуаси (мил. ав. 4-мил. V аср). Ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Денов тумани худудида жойлашган. Бир неча тепаликлар (Хонақоҳтепа, Қорабоғтепа, Маслаҳаттепа ва бошқалар)дан иборат. Хонақоҳтепадан мил. ав. II-I асрларга оид ҳукмдор саройининг қолдиғи топилган. Бино тўғри тўртбурчак шаклда, майдони 35x26 м бўлиб, марказий фасади (олд томони) тўрт устунли очик айвон (16,5x7 м)дан иборат. Ёғоч устунлар оҳақтошдан ишланган такурсига ўрнатилган. Айвондан катта залга (17,6x6,1 м) ўтилган. Зал деворлари бўйлаб кенг супа ясалган. Бино пойдевори квадрат шаклдаги хомғишлардан ишланган,



ғиштларнинг сиртига турли шаклдаги тамғалар босилган. Бино бир қаватли, усти текис ҳолда ёпилган бўлиб, ташқи қалинлиги 2,2 м, баъзи жойларда 4 мга етган. Зал ва айвон деворларининг пастки қисмидан деворий суръат излари топилган, деворларнинг юқори қисмига эса ҳайкалчалар ишланган. Г.А. Пугаченкованинг тахминига кўра, сарой юечжи қабилаларидан бирининг хукмдори Герайга тегишли бўлган. Сарой хоналаридан кўплаб пайконлар, олтиндан ишланган йирик кўкрак нишонаси, олтин тақинчоқлар, ипак парчаси, қимматбаҳо тош мунчоқ ва гемма парчалари, шиша идишлар, темир қилич, шунингдек, турли қадаҳлар, сопол идишлар, от минган чавандоз ҳайкалчалари топилган [1].

Холчаён мажмуасига кирувчи Қорабоғтепаннинг атрофи мудрофаа девори (қалинлиги асосида 8 мга етган) билан ўралган. Тепадаги ҳаёт мил. 3 аср бошигача давом этганлиги ҳақида Васудева I тангалари гувоҳлик беради. Умуман, Холчаёндан 50дан ортиқ турли асрларга оид тангалар топилган. Уларнинг энг қадимгиси Юнон-Бақтрия подшоларидан Деметрий (мил. ав. 200 й.) кумуш тангаси, Гелиокл (мил. ав. 156-140 й.) тетрадрахмаси, Кушон подшоларидан Кадфиз I, Кадфиз II, Канишка, Хувишка, Васудева I ва Васудева II тангалари бўлиб, улар нафақат Жанубий Бақтрия, балки Шимолий Бақтрия ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Холчаён деворий суръатларида узум ғужуми, япроқлар, улар орасида осилиб турган қандайдир думалоқ мевалар, гуллар тасвири ўрин олган. Шунингдек, ўзаро композицион уйғунликда бўлган одамлар образлари, юнон худолари ёхуд олий хукмдорнинг

маҳобатли суръатлари учрайди. Деворий суръатлар орасида, айниқса, икки эркак ва бир аёл тасвири кишини ўзига тортади. Биринчи суръатда эркак кишининг оғзигача қисми туширилган боши тасвирланган. Унда ўспирин йигитнинг калта тўлқинсимон сочлари ва қора кўзлари, думалоқ ияги, ярим ой шаклида чизилган қора қошлари, қирра буруни кўзга ташланади. Бу суръатда туб жойли бақтриялик акс этган. Аммо, иккинчи суръатда думалоқ бошли, сочлари устара билан қирилган, олтин исирға таққан қулоғи четида кокили бор, бодом қовоқли турк тасвирланган. Аёл кишининг суръати яхши сақланмаган. Унинг бош қисмидан қора сочлари ва камалаксимон қошларигина қолган.

Холчаён саройи айвон ва бош зали деворларининг юқори қисмида, баландлиги 2 метрли панно устига ишланган пирамон (фриз)да деворга ёпиштирилган кабртма ҳайкаллар мажмуаси бўлган. Улар орасида Герай ва унинг уруғига тегишли персонажлар тасвири кўп учрайди. Герай сакларни Қадимий Бақтриядаи жанубга суриб чиқарган 5 юечжи қабила-сидан бири-гуйшуан қабила жамоасининг сардори. Унинг номи билан пул зарб этилганлиги гуйшуанларни қолган қабилалар ичида иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлганлигидан далолат беради.

Залнинг жанубий деворида чавандозлари билан елиб кетаётган 6 та от ҳайкаллари (қизил, оқ ва қора рангли) тасвирланган. Отларнинг асбоб-анжомларига қараганда, бу турдаги отлар енгил кавалерияда хизмат қилган. Бу деворда оғир кавалерияга мўлжалланган отларнинг ҳайкалла-ри ҳам учрайди. Улар



металлдан ишланган ҳимоя қалқонига ўралган. Бундай типдаги отлар расми Васудева I тангаларида ҳам учрайди. Бу илк кушонлар кўшинининг қурилиши ва таркиби ҳақида гувоҳлик беради. Ўзбекистоннинг илк ўрта асрлардаги саройларига биз Тупроқ қалъа ва Варахша саройларини киритдик. Тупроққалъа шаҳар қалъа харобаси, мил. III–IV асрлардаги хоразмшоҳлар қароргоҳи. Ҳозирги Беруний шаҳри атрофидаги ҳудудда жойлашган. 1938–50 йилларда С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология этнография экспедицияси томонидан ўрганилган. Тупроқ қалъа тарҳи тўғри бурчакли (500x350 м) бўлиб, гумбазсимон йўлак ва буржли мудофаа девори билан ўралган. Деворнинг мустаҳкам жанубий дарвозасидан оташкада томон марказий кўча ўтган. Кўндаланг тушган кўчалар шаҳарни 10 та квартал (маҳалла)га ажратган. Тупроққалъанинг маданий қатламидан, миллоднинг бошларидан 6 асргача бўлган даврларга оид ашёвий материаллар чиққан. Тупроқ қалъанинг шимолий–шарқий қисмида махсус кўтарма сува (баладлиги 14 м, майдони 80x80 м) устига хом ғишдан сарой қурилган. Унга ёндош қилиб баладлиги 25 м ли 3 та минораси бўлган арк биноси (майдони 40x40 м) бунёд этилган. Аркка шарқ томонидан кўтарма йўлак орқали кирилган. Тупроққалъада 100 га яқин турар жой, хўжалик бинолари ва 8 та сарой хоналари қазилган. Хоналар девори бўртма нақшлар ва рельефли рангли ҳайкаллар билан безатилган. Тупроқ қалъанинг шарқий қисмида қурол–аслаҳа устахонаси бўлган, у ердан темир найзалар, 3 парракли ўқлар, саройнинг емирилиб кетган 2–

қаватидаги подшо архи-видан эса тери ва ёғоч тахтачаларга ёзилган 100 дан ортиқ ҳужжат топилган. Улар қадимги хоразмий тилида битилган (I–III асрлар). Тупроқ қалъадан жун, шойи, ип газлама парчалари, буйра, рангли гилам, кўплаб ҳайкал бўлаклари, сопол буюмлар ва Кушон тангалари топилган. Тупроқ қалъа суғориш иншоотларининг бузилиши, ҳарбий тўқнашувлар натижасида харобага айланган [2]. Варахша–қадимий шаҳар харобаси. Бухородан 40 км шимолий–ғарбда, Дашти Урганжи кўлининг қадимий Ражфандун воҳасида жойлашган. Варахша майдони 9 га ва баладлиги 10–20 метрли улкан тепа шаклида сақланган. Варахша ва унинг атрофида В.А. Шишкин (1937–39, 1947–54 йй.) кенг кўламда археологик тадқиқотлар олиб борган; А. Муҳаммад-жонов (1975–77), О.В. Обельченко (1977–79), Г.В. Шишкина (1987–90) ҳам Варахшанинг айрим қисмларида қазилмалар олиб боришган. Археологик қазилмалардан маълум бўлишича, Варахша мил. авв. II асрда бир–бирига туташган бир неча истеҳкомли қишлоқлар тарзида қад кўтарган [3]. Варахша харобаларининг шимолий–ғарбида қадимий кўрғонлардан бирининг ташқи девори ҳамда ярим дойра шаклидаги буржи (ички садҳи 4,5x5 м) кавлаб ўрганилган. Девор (қалинлиги 1,8–1,9 м) хом ғишдан (ҳажми 37x41x10 см) қурилган. Девор ва буржларида пайконсимон нишон туйнуклари (ички томони 38–40 см, ташқариси 75–80 см, кенглиги 20–22 см) очилган. Мил. авв. 2–1 асрларда ва мил. 1–2 асрларда Варахша ва унинг атрофида маданий ҳаёт гуллаган. 3–4 асрларда Варахша таназзулга учраган. V асрда Варахша яна тикланиб



Бухоронинг қадимги Ҳукмдорлари-бухорхудотларнинг қароргоҳига айланган. Шу даврда Варахша атрофи мустаҳкам девор билан ўралган, унинг жанубий қисмида арк қурилган, VIII-X асрларда, у айниқса, обод бўлган. Варахша ва унинг атрофлари 12 канал билан суғорилиб, Ражфандун воҳасидаги энг йирик ва марказий қалъалардан бирига айланган. Бухоро ва Хоразм оралиғидаги карвон йўли Варахша орқали ўтган. (Истахрий ва Ибн Ҳавкал маълумотлари). Ҳар ўн беш кунда Варахшада бир кунлик, йил охирида 20 кунлик бозор сайли (наврўзи кашоварзон, яъни деҳқонлар янги йили) ўтказилган (Наршахий). Бухор-худотлар қароргоҳи қилиниши билан Варахша йирик шаҳарга айланган. XI-XII асрларда унинг худуди энига 6 кмдан зиёд бўлган. XII асрда Варахша воҳасидаги ҳаёт тўсатдан номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолган [4].

1949-54 йилларда Варахша тарихи ва меъморлиги ўрганилди. Квадрат шаклдаги йирик хом ғиштлардан қўшминора тарзида ўраб чиқилган тагкурсиларнинг (баландлиги 15 м) бирига подшо саройи ва иккинчисига соқчихонали дарвозахона бино қилинган. Аркнинг шарқий қисмида томи равоқсимон гумбаз тарзида ёпилган узун йўлаксимон (навкархона ва дарвозахона) хоналар мавжуд бўлган, Аркнинг марказида жанубий томони мудофаа деворига ёндошган Варахша ҳукмдорининг саройи жойлашган [5]. У Шарқий (11,5x17 м) ва Ғарбий (6,6x7,25 м) меҳмонхона ҳамда Қизил хона (зал) (8,5x12 м)лардан иборат бўлган. Сарой ғарб томонидан 3 равоқли ганчкори устунлар ўрнатилган ҳашаматли

пешайвон билан ўралган. Айвон равоқларининг устунлари ва тоқилари ганчкори қабартма тасвирлар ҳамда турли хил гириҳлар билан безатилган. Саройнинг Қизил хона ва Шарқий меҳмонхоналари тўла кавлаб очилган. Хона деворлари майда сомонли лой сувоқ устидан юпқа ганч сувоқ қилиниб, деворий расмлар қизил, сариқ, кулранг, қора, зангори, пушти ва жигарранг буёқар билан безатилган. Уларда турли хил манзаралар, фил минган шаҳзода ва чокарларнинг олд ва ортдан човут солган қоплон билан олишуви; қайрилиб нишонга камондан ўқ узаётган от устидаги чавандоз, қанотли туя шаклидаги олтин тахтда ўтирган ҳукмдор тасвирланган.

Шарқий меҳмонхона деворида тиз чўкиб, кўлида қадаҳ тутган малика, белида шамшир, бир кўлида қисқич ушлаган подшоҳ, ўртада вазасимон оташгоҳда ёниб турган муқаддас олов азархурро, оташгоҳдан ўнгда белига ханжар тақилган шаҳзоданинг тиз чўкиб ибодат қилаётган тасвири ёки совут ва дубулға кийган, қўлларида найза, қалқон ушлаган суворийларнинг жанг қилаётган, шунингдек бутазор, тўқай ичидаги ов манзараси каби тасвирлар айниқса диққатга сазовордир[6].

Археологик топилмалардан аниқланишича, жанубий хоналарнинг иккинчи қаватидаги хона ганчкори нақшлар билан безатилган экан. Кўплаб топилган қабартма ганчкори нақшлар орасида ҳовузда сузиб юрган балиқлар, елкасидан ўқ еган архар, елиб бораётган жайран, беданалар, аёл бошли бахт куши Хумо, ҳамлага тайёрланаётган аждарҳо, тақимига садок боғлаган суворий ҳамда кўпдан кўп аёлларнинг



бош қисмлари билан бир қаторда турли хил ислимий ва гирих парчалари учрайди.

ХУЛОСА. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги саройлар архитектураси ва боғ-саройларни диққат билан кузатар эканмиз, уларда ўзига хос бўлган мўжизакор муннаққашлик ва яшил манзаралар ҳамоҳанглигини, улар муҳитидаги орасталик, исчил минтақавий меъморий тартибот, бунёдкорлик ва халқ амалий

санъатининг юксак наъмуналарини хис этамиз. Афсуски, худди ана шу юксак меъморий фазилатлар ҳозирги кунда биз яратаётган бинолар ва иншоотларимиз муҳитига етишмай турибди. Моддий ва маданий қадриятларимиз ва улуғ сиймоларимиз меъморий меросини ўрганиш бунёдкор халқимиз тафаккурини янги имкониятлар билан бойитади деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Назилов Д.А. Интерьеры дворцов Средней Азии //Архитектура и строительство Узбекистана №2, 2006.
2. Салимов А.М. Основные принципы реконструкции историчес-ких комплексов городов Узбекистана. Методические указания.-Т.,1994.
3. Уралов А.С., Садикова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий чорбоғ услу-би ва замонавий боғ-парк санъати.-Тошкент: Санъат, 2012.
4. Пўлатов Х.Ш., Ўролов А.С. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш. Ўқув қўлланма.-Т., 2002.
5. Наршахий. Бухоро тарихи.-Т., 1966.
6. Уралов А.С., Садикова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий чорбоғ услуби ва замонавий боғ-парк санъати.-Тошкент: Санъат, 2012.
7. Maxmatqulov, I. T., & Karimova, N. A. (2022). Analysis of the functional features of the buildings of the khanaka-the institution of Sufism in Central Asia. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 5, 46-51.
8. Maxmatqulov, I. T., & Sherqulova, D. G. (2022). SYMBOLIC MEANINGS AND CHARACTERISTICS OF PATTERNS AND DECORATIONS IN CENTRAL ASIAN ARCHITECTURAL MONUMENTS IN THE XIV-XV CENTURIES. Eurasian Journal of Academic Research, 2(2), 744-749.
9. Maxmatqulov, I. T. (2022). Scientific analysis of the Erkurgan historical and archeological complex in Karshi district of Kashkadarya region. Journal of Architectural Design, 4, 27-31.